

Доктор Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари Андижонга ташриф буюрдилар



16:00 / 29.11.2023 799

Аввал хабар қилганимиздек, шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратларининг юртимиз бўйлаб сафарлари давом этмоқда.

Бугун, 29 ноябрь куни профессор Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари Андижон вилояти Олтинкўл тумани Жалабек қишлоғида жойлашган «Сайид Муҳйиддин маҳдум» ўрта махсус ислом билим юртига ташриф буюрдилар.

Азиз меҳмонни мадраса устозлари кутиб олиб, билим юрти тарихи ва фаолияти билан таништирадилар.

Учрашув давомида доктор Абул Ҳож ҳазратлари мадрасанинг илмий салоҳияти, таълим йўналишлари, талабаларга билим беришда ўзига хос ёндашувлар ҳақида маълумот бердилар. Шунингдек, «Мазҳабни ўрганиш босқичлари» мавзусида суҳбат қилинди.

Суҳбат сўнгида талабаларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.









